

Р.ИШМУҲАМЕДОВ, М.МИРСОЛИЕВА

# ЎҚУВ ЖАРАЁНИДА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ



ТОШКЕНТ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА  
РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**Р.ИШМУҲАМЕДОВ, М.МИРСОЛИЕВА**

**ЎҚУВ ЖАРАЁНИДА  
ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

**ТОШКЕНТ – 2014**

**УЎК: 378.1.001.76**

**КБК 74.58**

**И-96**

**И-96**

**Р.Ишмуҳамедов, М.Мирсолиева.** Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. –Т.: «Fan va texnologiya», 2014, 60 бет.

**ISBN 978–9943–4478–6–8**

Қўлланма «ОТМда ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни модернизациялаш ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш» модули доирасида ишлаб чиқилган бўлиб, унинг мазмунидаги инновацион жараёнлар, олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчисининг инновацион компетентлиги, тренерлик фаолияти, маҳорати ва маданияти, тренинглар технологияси ҳамда андрагогик таълим тушунчаларининг моҳияти ёритилган.

Қўлланмадан педагог ва раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими ҳамда олий таълим муассасаларининг ўқув амалиётида кенг фойдаланиш мумкин.

**УЎК: 378.1.001.76**

**КБК 74.58**

**Тақризчилар:** **Х.Алимов** – психология фанлари номзоди;  
**А.Мухсиева** – педагогика фанлари номзоди.

Қўлланма «Олий таълим муассасалари педагог кадрлари касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантиришнинг информацион-методик таъминотини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш: акмеологик ёндашув» илмий лойиҳаси доирасида тайёрланган.

Қўлланма Бош илмий-методик марказ Илмий-методик Кенгашининг 2014 йил 26 февралдаги 1-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.

**ISBN 978–9943–4478–6–8**

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2014.

---

## СЎЗ БОШИ

Республика мустақиллиги ва бозор иқтисодиётига мос ижтимоий-иктисодий сиёсатни шакллантириш – замон талаблариға жавоб берадиган, юқори малакали педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнлари самарадорлигини таъминловчи касбий таълим мазмунини такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Бу эса ўз навбатида мутахассисларнинг касбий компетентлигини шакллантиришга хизмат қилувчи узлуксиз таълим мазмунини янгилаш, ўқитишнинг инновацион шакл ва методлари, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга кенг жорий этиш заруратини шакллантирди. Шу асосда, бугунги кунда олий таълим муассасаларида таълим сифатини оширишга, таълим босқичларининг ўзаро узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, олий таълим муассасаларидағи ўқув-тарбия жараёнини модернизациялаш, педагог мутахассислар тайёрлаш тизими сифат даражасини оширишда ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш, уларни соҳага оид замонавий касбий билим, малака ва кўникмалар билан қуроллантириш, илмий-техник инновациялардан мустақил равишида, ижодий фойдаланиш ҳамда истиқболли вазифаларни ҳал қила олиш кўникмаларини ривожлантириш муҳим вазифалардан саналади.

Бунда таълим босқичларининг ўзаро мазмунан боғлиқлиги, узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш; олий таълимда ўқув жараёнини ташкил этишнинг илғор педагогик технологияларини жорий қилиш, бу борада ўқув-услубий мажмуалар сифатини таъминлаш, педагогик технологияларни жорий этишда профессор-უқитувчиларнинг компьютер ва Интернетдан фойдаланиш бўйича саводхонлигини доимий ошириб бориш; олий таълимнинг ахборот-ресурс ва замонавий ўқув адабиётлари билан таъминотини янада ривожлантириш; мазкур йўналишларда илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш олий таълим муассасалари, хусусан, педагог кадрларининг фаолият йўналишлари таркибини белгилайди.

Шу нүктаи назардан келиб чиқиб, тавсия этилаётган мазкур күлланмада олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларида касбий инновацияларни ўзлаштиришга нисбатан ички ҳоҳишини шакллантиришга хизмат қилувчи самарали инновацион ўқитиш шакллари, тренинглар технологияси, тренерлик фаолияти, маҳорати, маданияти хусусида сўз юритилади. Бу эса уларнинг келгусида ўқув-тарбия жараёнида инновацион таълим технологияларидан самарали фойдаланишлари учун методик тавсия сифатида хизмат қиласи.

## I. ТАЪЛИМДАГИ ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАР

Таълим сифатини таъминлаш – битирувчиларнинг касбий тайёргарлик даражаси билан бирга ўқув жараёнининг қандай ташкил этилиши ва унинг белгиланган сифат мезонлариға жавоб берishiда кўринади. Ушбу вазифа бир қатор қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларда, хусусан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истиқболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, маданият, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқларидан келиб чиқкан ҳолда қайта қуриш мисолида аниқ мақсадларга йўналтирилган кўрсатма ва тамойиллар кўринишида ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мазкур муаммонинг ижтимоий-иқтисодий ва амалий аҳамиятини «Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ бутун мамлакат миқёсида таълим ва тарбия, илм-фан, касб-хунар ўргатиш тизимларини тубдан ислоҳ қилишга катта зарурат сезила бошлади» деб асослайди.<sup>1</sup>

Шу боис, ҳозирги даврда таълим самарадорлигини ошириш, мутахассисларнинг касбий компетентлик даражасини ривожлантириш, педагог кадрларни инновацион фаолиятга йўналтириш, олий таълим муассасаларидағи ўқув жараёнига инновацион таълим ва ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш, илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш ва мақсадли йўналтириш олий таълим тизимини модернизациялашдаги долзарб вазифалар сифатида белгиланди.

Олий таълим тизимини модернизациялаш (ингл. modern – янгилangan, замонавий, тезкор ўсиш) таълим жараёнига нисбатан инновацион ёндашувни талаб этади.

Ҳозирги глобаллашув жараёнларида таълимга инновацион ёндашувнинг ижтимоий-педагогик зарурияти қўйидагилар билан ўлчанади:

1. Фан-техника тараққиёти ва ижтимоий-иқтисодий янгиланиш узлуксиз таълим тизими, хусусан, олий таълим муассасаларидағи ўқув жараёнини илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш, таълимдаги инновацион ёндашувлар ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда такомиллаштириш.

<sup>1</sup> Каримов.И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: «Ўзбекистон», 2011.-Б.15-16.

2. Талаба-ёшлардаги маълумотлилик даражаси, интеллектуал салоҳият, ижтимоий фаоллик, ижодкорлик кўнигмаларини ривожлантиришга хизмат қилувчи шахсга йўналтирилган ўқитишнинг самарали ташкилий шакллари, технологияларини яратиш ва амалиётга татбиқ этиш.

3. Педагогик инновацияларни ўзлаштириш ва уни татбиқ этишга нисбатан ўқитувчининг касбий-инновацион компетентлигини ривожлантириш зарурати.

Дарҳақиқат, таълимга инновацион (инглизча *innovation* – янгилик киритиши) ёндашув ғояси таълим мазмуни ва натижаларининг шахсга йўналганлиги, таълим мазмуни, шакл, метод ва воситаларини фан ва техниканинг сўнгги ютуқлари, илғор тажрибалар, замонавий методикалар билан уйғунлаштиришга қаратилганлиги билан анъанавий ёндашувдан фарқ қиласди.

В.А. Сластенин педагогик жараёнга инновацион ёндашишни ўқитувчи ва талabalарнинг ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этиш, ўқитиши ва тарбиялашнинг мақсади, мазмуни ва шаклига янгилик киритиши билан изоҳлайди<sup>1</sup>.

Таълим тизимига киритилаётган ҳар қандай инновация ахборот ва методик таъминотнинг мавжудлигини қўзда тутади.


Шу сабабли, олий таълим муассасалари ўқув жараёнига инновация киритишида илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш ҳамда педагогик-психологик фанларнинг ютуқларини амалиётга татбиқ этиш, замонавий педагогик ва ахборот коммуникация технологиялари имкониятларидан фойдаланиш орқали ўқув жараёнлари мазмуни ва методларини такомиллаштириш муҳим йўналишлардан саналади.

Бу эса ўз навбатида ўқув машғулотларини ташкил этишнинг самарали шакллари сифатида маъруза (муаммоли маъруза, маъруза-семинар, виртуал-технологик маъруза, визуал маъруза, бинар маъруза, кириш маърузаси, маъруза-конференция, ахборотли маъруза, маъруза баҳс-мунозара, шарҳловчи маъруза, on-Line маъруза) тренинг, видеотренинг, вебинарлар, интернет конференциялар, инновацион ўқитиши методлари сифатида эса муаммоли методлар, интерфаол методлар, амалий ўйинлар, ўқув лойиҳалари, портфолиолар, график органайзерлар ҳамда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш заруратини юзага чиқаради.

---

<sup>1</sup> Сластенин В.А. и др. Педагогика. – М.: «Академия», 2002.

Педагогикага оид адабиётларда инновацион жараёнларнинг кечиши қуидагича тасвирланади<sup>1</sup>:



Олий таълим муассасаларидаги ўкув жараёнига инновацияларни татбиқ этишдаги яна бир муҳим компонент – ўқитувчи, унинг касбий компетентлиги ва инновацион фаоллиги ҳисобланади.

<sup>1</sup> Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: «Молия», 2006.

**Компетентлик** (лат. competens) – фаолият талабларига мос келиш, яроқлилик, лаёқатлилик.

**Мутахассиснинг касбий компетентлиги** – унинг касбий тайёргарлиги ва касбий етукликигини баҳоловчи меъёр.

Касбий компетентлик тушунчасига нисбатан илмий доирада турли муносабатлар илгари сурилади. У меҳнат субъектига нисбатан аниқ фаолият талаблари ёки айнан, субъектнинг аниқ фаолиятнинг ўзига хос жихатларига нисбатан муносабатини тавсифловчи хусусият сифатида қўлланилади. Масалан, тадқиқотчи олим Э.Ф. Зеер касбий компетентликнинг функционал тараққиётини тадқиқ қилиш касбий камолотга эришиш чоғида компетентликнинг турли кўринишлари интеграциялашиб боришини ва уларнинг касбий мухим шахс сифатлари билан алоқаси кучайиб боришини кўрсатди<sup>1</sup>. Хусусан, касбий компетентликнинг асосий даражаларига касбий тайёргарлик ва тажриба, ўзини-ўзи англаш, ўз кучига ишониш, ўзга инсонлар томонидан кўрсатилган камчиликларни тўғри қабул қилиш ва шу каби бошқа касбий камолотни белгилаб берувчи шахс хусусиятларини киритади. Юқорида қайд этилган фикрларни таҳлили педагогнинг касбий компетентлигини шахсий, ижтимоий, креатив, методик компетентлик каби қатор ўзига хос хусусиятлар мажмуаси сифатида тўлиқ изоҳланишига имкон беради.

**Шахсий компетентлик** – шахснинг ижтимоий дунёқараси, илмий ва интеллектуал салоҳияти, креативлиги, шахслараро мулоқот-муносабатларига фаол кириша олиши, конфликтларни ҳал этишга тактик ёндашуви, касбий фаолият талабларига мувофиқ шахсий ва касбий сифатларининг шаклланганлик даражаси, фаол ҳаётий ва фуқаролик позициясининг қарор топганлиги каби мезонлар билан белгиланади.

**Методик компетентлик** – ўқув-тарбия ва бошқарув жараёнларини самарали ташкил этишнинг шакл, метод ва воситаларини билиш, ўзлаштириш, амалда қўллаш, касбий фаолият

<sup>1</sup> Зеер Э.Ф., Шахматова Н. Личностью ориентированные технологии профессионального развития специалиста. – Екатеринбург, 1999.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/oz/asar/104> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/104> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте  
<https://kitobxon.com/ru/asar/104>